

Эркин ва юнон-рум кураши

ҚИТЪА БИРИНЧИЛИГИДА ГОЛИБМИЗ

Навбат жаҳон чемпионати, Олимпиада ўйинларига



Дарҳақиқат, ўтган ҳафта пойтахтимиздаги муҳташам «Юносбод» спорт мажмуида йилгиланг минглаб мухлислару мутахассисларнинг яқинлиги фикри ана шундай бўлди. Бу ерда ўтказилган XIII Осиё чемпионатида мамлакатимиз спортчилари умумкоманда ҳисобида ҳам эркин кураш бўйича, ҳам юнон-рум кураши бўйича шўхрат шоҳасининг биринчи поғонасини банд этди.


Рақибларини Алпомиш янглиг силтаб отган полвонларимиз жами 15 та медални қўлга киритишди. Шундан 4 таси олтин, 7 таси кумуш ва яна 4 таси бронза медалларидир.

Олти кун давомида ишқибозларга олам-олам қувонч, шодлик улашган мажмура чемпионатда 14 мамлакатдан юзга яқин спортчилар иштирок этишди. Улар 8 та вазн тоифасида бўлиб 130 та беллашув ўтказишди.

Мусобақаларнинг охири кунин юнон-рум курашчиларининг финал беллашувлари бўлиб ўтди. Дастлаб гиламга 54 кг вазндаги ҳамюртимиз Шамсиддин Худойбердиев ва жанубий корейлик Сим Хван Хоо тушибди. Томошабинлар полвонларнинг ҳар бир ҳаракатини қийқириқлар, қарсақлар ила қўллаб-қуватлаб тургани уларнинг олишувига янада шиддат бағишлаган бўлса не ажаб. Ҳар бир очко учун тўғсовиз кураш борди. Ва ниҳоят, сўнгги сонияларда галабага бўлган иродасини намойиш эта олган Сим Хван Хоо 3:2 ҳисобида устун келди.

58 кг вазнда ушбу мамлакатнинг яна бир вакили Кимс Ин Суб қозғистонлик Юрий Мелинченкога очко олишга ҳам имкон бермай курагини ерга текизди.

Учинчи финал беллашуви терма жамоамизнинг 63 кг вазндаги аъзоси Баҳодир Кур



бонов ва Микхитар Манукян (Қозғистон) ўртасида келди. Асосий вақтда қучлар тенг келган боис, голибни аниқлашнинг иложи бўлмади. Беришган қўшимча вақтда Микхитарнинг халқаро мусобақаларда тўлган тажрибаси қўл келиб Осиё чемпионати унвонига сазовор бўлди.

Шундан сўнг олдинги беллашувларни кўтаринки рўхда ўтказиб финалга йўллама олган 69 кг вазн тоифасидаги спортчимиз Руслан Биктяков жанубий корейлик Сон Санг Пил билан гиламга тушиб чемпионатнинг кумуш медалини қўлга киритди.

Яна икки нафар вақилимиз — Юрий Витт (76 кг) ва Зафархон Очиллов (85 кг) ўз вазн тоифаларида имкониятини бой бериб, иккинчи ўрин билан чекланишди.

Ярим оғир вазндаги полвонларнинг финал беллашувида XIII Осиё чемпионатининг рекорд натижаси ўрнатилди десак, муболага бўлмас. Сергей Матвеевко (Қозғистон) ўз рақиб хитойлик Фенг Фуминг устидан бор-йўғи 41 сонияда соф галабага эришиб Осиё чемпиони ва олтин медал соҳиби бўлди.

Ана шундан кейин мусобақаларнинг бош ҳақами чемпионатнинг охири — 130 беллашуви бўлишини эълон қилди. Унда 130 кг вазн тоифасидаги полвонлар — Шўхрат Саъдиев (Ўзбекистон) ва Алиреза Хариби (Эрон) гиламга чиқишди.

Бир зум бўйсин ишқибозларнинг «Ўзининг кўрсат, Шўхрат», «Ўзбекистон, Ўзбекистон чемпиони!» деган хайқириқлар тинмади. Зеро, Шўхрат полвон 2 дақиқаю 51 сонияда рақибининг курагини ерга текизди.



Юзлаб маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари чемпионати шундоқ гиламнинг устида «асир» олиб савола тутишди, унинг ана шу қувончли лаҳзалардаги дил изҳорлари билан



қизиқишди. — Ҳозир мендан бахтли одам йўқ, — деди Шўхрат полвон. — Ватанимнинг, халқимнинг, мана шу минглаб мухлисларнинг ишончини оқлашдан ҳам улуғроқ бахт борми, ахир? Мен шунга эришдим. Ниятим жаҳон чемпионати, олимпиада ўйинларида ҳам чемпион бўлиб, юртдошларимни хурсанд этиш.

Ш. Саъдиев тўғри айтди. Эндиги мақсад — янада нуфузли мусобақаларда голиб бўлиш, Ўзбекистонимиз байрогини баланд кўтариш.

Аёл курашчилар олтинга вазн тоифасида беллашди. Бу борада япон спортчиларига тенг келадиган топилмади. Қўнчиқар мамлакат вакиллари билан беш нафар — Икеда Мию, Шиномура Азую, Митидера Юка, Ари Сузуки, Таеко Томокалар олтин медал соҳиблари бўлишди. Улар тегишли равишда ўз вазн тоифаларида Юн Мин (Хитой), Ли Хоминг (Хитой), Сао Хакюнг (Хитой), Олесия Назаренко (Туркменистон) ва киргизистонлик Яна Пановаларни мағлубиятга учратишди.

Умумжамоа ҳисобида қўнчиқар мамлакат вакиллари билан кейин хитойликлар иккинчи, туркменистонликлар эса учинчи ўринни банд этишди.

Чемпионат якунланди. Голиб ва совриндорлар аниқ. Бироқ, ундан олдин таассуротлар, қувончу шодликлар, турли фикр-мулоҳазалар ҳали узоқ давом этишга шубҳамиз йўқ.

О. РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири,
Н. МУҲАММАДЖОНОВ,
Т. КРАВЧЕНКО олган
суратлар.

Волейбол: Микаса кубоги

Республика Мувоффақ вазирлиги спорт мажмуида беш кун давом этган аёллар ўртасида волейбол бўйича Микаса кубоги халқаро турнири нихоясига етди. Аввал хабар қилганимиздек, унда Япония, Россия, Қозғистон, Қирғизистон ва мамлакатимиз жамоалари бош соврин учун беллашди.

БОШ СОВРИН
МЕЗБОНЛАРДА ҚОЛДИ

Турнир бошланишидан олдин кўпчилик мутахассислар биринчи ўрин учун асосан Япония ва Россия жамоалари давлатлик қилади, деб тахмин қилишганди. Бироқ, ундай бўлиб чиқмади. Бош мураббий Леонид Айропетян раҳбарлигида ушбу нуфузли турнирда пухта тайёргарлик кўрган қизларимиз барча ўйинларни галаба билан якунлаб, шохсупанинг биринчи поғонасини банд этишди.

Жамоамиз ҳал қилувчи беллашувда япониялик волейболчи қизларга қарши майдонга тушиб, рақибларини 3:0 (25:23, 25:22, 25:14) ҳисобида доғда қолдиришди.

Жамоамиз аъзоларидан, айниқса, О. Хужаеванинг қизларига жуда заварли бўлгани боис, қўнчиқар мамлакат вакиллари билан ҳар бир очко учун анча тер туқишларига тўғри келди. Шунингдек, ҳужумчимиз

энг яхши ўйинчи, деб топилди қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Яна бир ҳаракатчан қизимиз Е. Жаҳонгированинг ҳимояда қаттиқ туриши кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Е. Қарчагина ва М. Мартиненко жуфтлигида иборат қизларимизнинг блок қўйишдаги маҳоратларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жамоангиз қизларининг жуда аҳил, биргаликда ҳаракат қилишлари менга ёқди, — деди Россия жамоасининг бош мураббийи Владимир Панков. — Команда ютаётгани, демак у кучли. Унинг кучини эса ана ўша аҳилик ташкил этади, десаам янглишмасам керак. Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Мени нафақат республикангизда спортга катта эътибор берилгани, балки халқингизнинг меҳмондўстлиги ҳам бағоят хушнуд этди. Агар кейинги мусобақаларга ҳам таклиф этилса, албатта яна келаман. Жамоангизни эса

ажойиб галаба билан қутлайман.

Япония волейболчи қизларини 3:1 (25:23, 19:25, 25:16, 25:15) ҳисобида мағлубиятга учратган россияликлар иккинчи ўринни эгаллашди. Қўнчиқар мамлакат вакиллари эса учинчи ўрин насиб этди.

Қизларингизнинг ҳар қандай вазиятда ҳам тушқунликка тушмай ҳаракат қила олишлари уларнинг галаба қозонишида асосий омил бўлди, дейиш мумкин, — деди Япония жамоаси бош мураббийи Койдзи Хамада. — Айниқса, бундай ҳолда психологик жиҳатдан юксак тайёргарликка эга О. Хужаева, Т. Величкова ва Е. Шмитоваларнинг ўйини бошқара олишлари алоҳида таъкидлашнинг истаганим. Жамоангиз бундан-да катта ютуқларга эришишига тилакдошман.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири,
А. РИСКИЕВ (ЎзА)
олган сурат.

ЎТКИР ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН САҚЛАНИШ

ШИФКОР МАСЛАХАТИ

Ёз ойлари келиши билан ўткир ичак касалликларига чалинган беморлар сонини кўпайди. Бунинг бир қатор сабаблари борки, уларни аҳоли яхши билса, касалликнинг олдини олишда ердан беради. Бундай сабаблардан бири — иссиқ кунларда инсон организми кўп суяқлик талаб қилишдир. Катталар ҳамда болалар водопровод сувидан тортиб қочқарлар ва тўғри келган жойда сотилган газли сувлар, квас, морс ва уйда тайёрланган айрон-у совуқ чойларни иссиқмоқ қилиб кетавердилар. Бу эса ошқон шарабини суяқтирди ва унинг микрофлора билан қўрилиши қийинлашди. Натижада, касаллик хавфи кучайди. Агар ичкелатган бундай суяқликлар етарли санитария талабларига жавоб бермайдиган шароитда тайёрланса, улар касаллик тарқатишига сабаб бўладилар.

Кейинги пайтда уй шароитида тайёрланган норин, сомса, кабоб, ҳасип ва бошқа турли овқатлар ҳеч қандай санитария қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда тўғридан-тўғри қўчаларда, уйлар олдига сотилади. Аҳолининг бир қисми заруратданми ёки тушунмаслик оқибатиданми, дуч келган ерда овқатланиб кетаверди. Турли ошхоналарда ва кафедаларда ҳам санитария қоидаларига етарли даражада риоя қилинади, деб айтиб бўлмайди.

Ёз фаслида болалар ўртасида, айниқса, қўқрак ёшидаги болалар ўртасида ўткир ичак касалликлари билан касалликнинг ҳоллари тез-тез учраб туради. Бунинг асосий сабаби, айрим ҳолларда чақалоқларни 2-3 ойлик бўлиши билан, ҳатто ундан вақтироқ ҳам эмишдан тўхтатиб, сунғий овқатлантиришга ўтмоқдалар. Бу нарсаси боланинг имун системасини, яъни турли касалликларга нисбатан қўрилиши қийинлаштиради, иккинчи томондан пала-партиш тайёрланган сут-

ли овқатларни кун бўйи бир неча марта иситиб бериш болада ўткир ичак касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлади. Қўрилиб турибдики, ўткир ичак касалликларини келтириб чиқарадиган сабаблар турлича бўлиб, кўп ҳолларда касалликни кишиларнинг ўзлари айбдор бўладилар.

Касаллик қўлинича ўткир кўрилишда бошланади. Беморда кўнгил аяниб қушиш, ич кетиши қўзғалади, балзан қорин оғриб ҳарорат кўтарилади. Касаллик, айниқса, ёш болалар ва қариияларда оғир ўтади. Ёш болаларда умумий ҳолатининг, кўпчилик шайтонлаш юз бера, қариияларда қон босимининг пасайиши, юрак фаолиятининг бузилиши кўзатилади. Халқимизда «Ичи кетди — кучи кетди» деган ибора бор. Беморларда зудлик билан тиббий ёрдам қўрсатилмаса, аҳоли оғирлашиб, ноҳус ҳолларга олиб келиши мумкин. Қўлинича беморлар ўткир ичак касаллигини ариқмас ич бузилиши деб ўйлаб, ўзларича турли дори-

дармон қилган бўладилар. Натижада беморнинг аҳоли оғирлашиб, организм суweisлашиб, оқибатда турли аъзоларнинг фаолияти бузиладиган шифокорларга мурожаат қиладилар. Ана шундай оғир аҳволда келган беморларни қабулхонадан тўғри реанимация бўлимига қабул қилишга тўғри келади. Агар ўткир ичак касаллиги билан оғирган беморлар ўз вақтида шифохонага олиб борилса, уларнинг ҳаммасини ҳам касалхонага ётқиши шарт бўлмайди. Чунки шифохоналарнинг қабул қилиш бўлимида беморлар 1-2 соат ичида кузатилади. Агар ичарилаган минерал туз (шаркит-туз) шифобахш суяқликлар таъсирида беморнинг аҳоли яхшиланса, унга жавоб бериб оғирлашди. Мабо-до, аҳоли оғирлашганина, шифохонага қабул қилиниб, даволаш ишлари қўйилганда.

Шифокорга қанчалик эрта мурожаат қилинса, уни даволаш шунча енгиллашади. Ўткир ичак касалликларининг олдини олишда юқорида кўрсатилган сабабларга аҳамият бериш керак. Шахсий гигиенага риоя қилиш ҳам маданиятга, ҳам соғлиқни муҳофаза қилишга кирди. Мева-чевадарни пала-партиш ювиб ёки умуман ювмасдан ейишга йўқ қўйманг. Қайнатилмаган иссиқмоқ қилинган сув қўлинича касаллик келтириб чиқариши эса тўғри!

Она сутининг ўзини дунёда ҳеч нарсаси босолмайди. Она сутини билан боқилган болалар бақувват, халқ тили билан айтганда, илғи туқ бўлиб ўсади. Она сутини фақат озуқа эмас, балки у билан болага онанинг меҳр-муҳаббатини, ирсини тозалити ҳам ўтади.

Шундай экан, ўзимизнинг қадимий урф-одатларимизга кўра чақалоқларни дунёдаги энг буюк мўъжиза — она сутини билан боқиб, шунда болаларимиз турли касалликларга, шу жумладан, ўткир ичак касалликларига ҳам беришувчан бўлмайдилар.

Ж. ҲАЙДАРОВА,
шифокор, тиббиёт
аълочиси.

САҲНАДА — ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ

Наманган вилояти маданият ишлари бошқармаси ва халқ ижодиёти ҳамда маданий-маърифий ишлар илмий-услубий маркази ҳамкорликда вилоятдаги фольклор жамоаларининг бенинчи афгананин қўрилишини ўтказди. Унда вилоятнинг шаҳар, туманларининг фольклор жамоалари иштирок этди. Қатнашчилар халқ омаки ижодиёти намуналаридан фольклор, миллий урф-одатлар, расм-рўсуллар, афганларни театрлаштирилган саҳна орқали намойиш этишди.

Ташкилотчи бўлган жамоалари, айниқса, намуна кўрсатишди. Улар «Лола сайлан», арқон тортиш, кўроз уринтириш, қўнқарли ва кўнқар халқ ўйинларини ишқорли ҳолатда саҳнада намойиш этишди, биринчи ўринни эгаллашди. Қадимий ўйин ва рақслари билан кўнқарли оқинчи сазовор бўлган Ўйин туманининг «Ўйин тоғи» фольклор жамоаси иккинчи, иккинчи маҳоратлари, аjoyиб тоғи-малари билан барчанинг диққатини ўзига жалб этган Минбулок тумани фольклор жамоаси аъзолари учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Садбархон ЖҲРАЕВА.

“ВЕНО-ОСИЁ” тақлиф этади:
БОЛГАРИЯ КУРОРТЛАРИ:
Қуёшли соҳил, Приморск, Несебр, Дюно.

Тошкент-Бургас
чартер рейслари

5 оғиргина
авиабилетларга
5% чегарина

МАХСУС НАРХЛАРИ
12 ёшгача бўлган
болаларга
чегарина

Болгария орқали Қоҳира ва Стамбулга қўшмача саяхатлар

Манзил: Тошкент ш., Абай к., 6.
Тел.: (371) 144-48-83, 144-48-16.

Хонадонингиз ва иш жойингизда экологик тоза сув корхоналар ва жисмоний шахслар учун

**ЭКОЛОГИК
ТОЗА СУВ**

Ташкилот сувни туз ва радионуклеидлардан (деменирализация ва дезактивация) Ўзбекистон Республикасида патентланган, янги усулда тозалайдиган дастхоналарни тақлиф этади.

Бир кеча-кундузда буюртмачининг талабига кўра 200 литрдан 25 тоннагача тозалаш қувватига эга.

Тўлов шакли: пул ўтказиш йўли билан.
Тел: (3712) 78-46-75

«НАВРҮЗ»

Энг нуфузли санаторийлар, профилакторийлар, дам олиш уйлари, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий сайёҳлик оромгоҳларига йўланмалар тақлиф этади.

Сизни маънавий сувлар, шифобахш дойлар билан даволайдиган сўхиттоҳлар, сўлим табият оғуши чорлайди. Самарқанд шаҳрининг табаррук зияратгоҳларига ҳамда бир қўнлик, икки қўнлик ва уч қўнлик муддат билан машҳур тарихий ва меъморийлик ёдгорликлари йўналишлари бўйлаб саяхатлар уюштилади.

Ўзининг мафтункор майин иқлими, беғубор ҳавоси, маънавий сув манбалари билан ажралиб турган Олтой тоғи этакларида жойлашган юрак-томир, жинсий зафила ва бошқа хил касалликларни самарали даволайдиган «Белокурх» курортга йўланмалар беради.

НАРХ ҲАМОНВОЗ.
Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

Маълумот учун телефон:
34-64-34.

“MALVIL” МЧЖ

САНОАТ АСБЎБЛАРИНИ БУТҲУН ДУНЁ ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАРИДАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ,

КАФОЛАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ

ТУРЛИ ҚУВВАТЛИ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР
ГЕРМАНИЯ (GECO), ЯПОНИЯ (HONDA), РОССИЯ

Тел.: (371) 120-68-36, (3712) 30-20-36, 41-31-24. E-mail: igor.williams@usa.net
Манзил: Тошкент ш., Маликов к., 3.
Мўлжал: «Олой» бозори, «Юлдуз» тикув б-ни, «Водпроект» биноси, 113-115-хоналар.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

М. ЕГОРОВ
(масъул котиб —
«Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДИНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ ҳўжалиги — 136-37-85;
Маданият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби
№ 00001

Буюртма Г — 0456,
30695 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида
босилган.
Қўроз бичими А—2

Газета PENTUM-II —
компьютерда терилди
ҳамда операторлар
Сергей ЛУКИН ва
Жамшид ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб —
Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир
И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи —
М. ЙҮЛДОШЕВА.
Мусаххач —
А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳажми
5 қўғоздан зиёд
материаллар қабул
қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41.

Босишга топшириш
вақти — 21.00
топирилди — 24.10
1 2 3 4 5 6